O'ZBEK TILI, ADABIYOTI
VA FOLKLORI INSTITUTI

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ
ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ


# ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ


*Журналга 1958 йил январда*
*Ойбек асос солган*

*Бир йилда олти марта чиқади*

**4**
**2020**



*Бош муҳаррир:*
Низомиддин МАҲМУДОВ

*Таҳрир ҳайъати:*
Абдусалом АБДУҚОДИРОВ
Раҳматулла БАРАКАЕВ
Маматқул ЖЎРАЕВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*
Наим КАРИМОВ
Баҳодир КАРИМОВ
Дурдона ЛУТФУЛЛАЕВА
Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*
Тўра МИРЗАЕВ
Бахтиёр НАЗАРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*
Ёрқинжон ОДИЛОВ
Эргаш ОЧИЛОВ *(масъул котиб)*
Шомирза ТУРДИМОВ
Боқижон ТЎХЛИЕВ
Алмаз УЛВИЙ
Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА
Жаббор ЭШОНҚУЛОВ
Бердақ ЮСУФ
Курдош ҚАҲРАМОНОВ
Улуғбек ҲАМДАМОВ
Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ



*Ўзбекистон Республикаси*
*Фанлар академияси*
*Ўзбек тили, адабиёти*
*ва фольклори институти*

*Тошкент - 2020*

ароқ баён этишга, унинг
аниқ-равшан баён этишга
инган асарларини мавзу,
энг муҳими, ҳар бир
ил таҳлил қилган, зарур
итобга мурожаат қилган
санъаткор сифатидаги
керагича адабий-эстетик
тарихини анъанадан воз
й истиқлол мафкураси
да даврлаштирилганлиги
нинг яна бир ўзига хос
ҳудудида туғилиб вояга
юм Фируз, Адаш Истад
жик адабиёти равнақига
лоҳида эътибор берган.
талаба қалбида халқлар
урур туйғусининг жўш

ожикзабон ижодкорлар
га ҳам алоҳида эътибор
г сеҳри" деб аталган
дир. Зероки, китобда
ратилган, санъаткорлик
аҳлил қилинган; зарур
Асар ёш тадқиқотчилар,
н адабий-эстетик завқ
мий ва амалий қиммати
икзабон адиблар ҳаёти,
н доимий хизмати ҳам

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ



МУНДАРИЖА

Тилшунослик

Н.Маҳмудов. Тил: илм, таълим ва тарғиб........................................3
Ё.Одилов. Тил ва жамият таъсирлашуви........................................10
А.Мамажонов. Бинар қўшма гаплар ва уларнинг функционал-семантик хусусиятлари........................................17
Р.Давлатова. Ўзбек тилида ижтимоий ҳолат дейксиси ва унинг олмошлар орқали ифодаланиши........................................21

Адабиётшунослик

Д.Куронов. Чўлпон шеъриятида тиниш белгилари ........................................26
Н.Жабборов. Алишер Навоий асарларида футувват ғоясининг бадиий талқини........................................33
А.Улуғов. Мақолларнинг бадиий-эстетик вазифасига доир........................................39
Э. Очилов. Муқимий ижодида Навоий анъаналари........................................45
Б.Ражабова. Темурийлар Ренессанси атамаси ҳақида........................................49
О.Қаюмов. Ўзбек маросим фольклорида шомон инициацияси удуми таҳлилига доир........................................54

**Илмий ахборот**

Г.Эрназарова. Ойбек шеъриятига хос медитатив хусусиятлар........................................60
Қ.Йўлчиев. Лирик шеърда бадиий макон муаммоси........................................63
Д.Холдоров. Бадиий услубнинг назарий асослари ........................................67
С.Матякупов. Шеъриятда диалог ва унинг талқинига доир........................................71
Н.Чўлиева. Бадиий асарда сюжет ва хронотоп........................................74
Л.Ўсарова. Абдулла Орипов шеъриятида она образи........................................80
З.Амонова. Навоий ижодида Насимий оҳанглари........................................85
Н.Қодирова. Баҳс-мунозара жанрида муаллиф услуби........................................88
Ғ.Бобожонов. "Ҳайрат ул-аброр"да "балоғат илми" истилоҳлари........................................92
О.Абобакирова. Анвар Обиджон ҳикояларида миллий руҳият тасвири........................................95
Р.Саидова. Бадиий матнда бинар оппозиция........................................98
Д.Жумаева. "Юсуф ва Зулайхо" достонларининг асосий образлари........................................101
Ш.Раҳмонова. Замонавий шеъриятда ғазалнавислик анъаналари........................................105
М.Ҳожиева. Татаббуда анъана ва издошлик........................................109
Д.Зарипова. "Қутадғу билиг"да ҳукмдорларга оид қарашлар талқини........................................111
У.Ибрагимова. Ҳофиз Хоразмий ижодида ташбеҳ санъати........................................113
З.Исақов. Юклама ва аффикслар муносабати........................................114
З.Ўрунова. Дефектологик терминлар ривожига доир........................................117
А.Ботирова. Оламнинг лисоний тасвири ва сўзларнинг функционал ихтисослашуви........................................121
Д.Юлдашев. "Қисаси Рабғузий"да антропоцентирик талқин илдизлари........................................124
А.Уралов. Тарихий жараёнлар билан боғлиқ кенгайган шакллар ҳақида........................................127
Ш.Шамсиева. Эвфемизмларнинг лингвистик табиати........................................131
Ҳ.Аҳмедова. "Маҳбуб ул-қулуб"да Навоийнинг нутқ маданиятига оид қарашлари........................................134

Фанимиз заҳматкашлари

Т.Рўзибоев. Олим умрининг зийнатлари........................................138
Б.Файзуллаев, М.[illegible]. [illegible] Раҳмонов........................................142
Ҳ.Ҳомидий. [illegible]........................................145

стихотворении. Поэт, изображая осознанный им художественный мир, рисует художественное протранство при помощи изображения его деталей. Переживания и проблемы в стихотворении реализируются и оказывают художественно-эстетическое влияние на читателя.

**RESUME.**The article disusses the plase and significance of artistic space in a lyric poem. The poet portraying the artistic word, which he himself was aware of, with the help of precise and imginative details shows the artistic space. Experiences and problems in the poem are realized, artically and influenciling the reader.

**Таянч сўз ва иборалар**: шеър, вақт, макон, хронотоп, образ, пейзаж, деталь.

**Ключевые слова и выражения**: стихотворение, время, пространтсво, хронотоп, образ, пейзаж, деталь.

**Key words and word expressions**: experiences poem, time, space, the chronotope, image, landscape, detail.

**Дилмурод ХОЛДОРОВ**

## БАДИИЙ УСЛУБНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Адабиётшунослик тарихига эътибор берсак, бадиий ижод табиати, ижодкор шахс дунёқараши, поэтик тафаккур кўлами, адабий жанрлар, бадиий тасвир воситалари, санъат асарида ижодкор шахсининг намоён бўлиши, воқеликни тасвирлаш усуллари, шунингдек, бадиий услуб ҳақида турли-туман фикрлар мавжудлигига гувоҳ бўламиз. Қадимги юнон мутафаккири Арастунинг “Поэтика” асаридаги “Тасвирлашнинг турли воситалари” деб номланувчи қисмида шундай фикр мавжуд: “Баъзи кишилар маҳорат, баъзилар малака сабабли, яна баъзилар туғма истеъдодлари туфайли бўёқлар ва шакллар ёрдамида кўп нарсаларнинг тасвирини – ўхшашини тасвирлайдилар. Ҳозиргина эслаб ўтилган санъатларнинг ҳаммасида ҳам алоҳида ё ритм, ё сўз ва ёхуд гармония ёрдамида, ёки шуларнинг ҳаммаси уйғунлигида тасвирлайдилар”[104]. Арасту таърифига кўра, санъат асари ҳаётда мавжуд воқеа-ҳодисаларни бадиий-эстетик идрок этиш, уларнинг ўхшашини турли воситалар ёрдамида акс эттириш орқали дунёга келади. Бадиий адабиётда бу жараён, шубҳасиз, сўз орқали амалга ошади. Бадиий тасвирга йўналтирилган сўз муайян тартиб, мантиқий изчиллик, поэтик бўёқдорликни талаб этади. Шундай талаблар мажмуаси эса бадиий услубни майдонга келтиради. Кўчирмада келтирилган “ритм – сўз – гармония” учлиги бадиий услубда истисносиз тарзда бир-бирини тақозо қиладиган, тўлдирадиган ва услуб яхлитлигини ташкил этадиган ўзгармас, зарурий компонентлардир. Одатда ритм услубнинг шаклига, сўз мазмунига доир тушунча бўлса, шу икки тушунчанинг муштарак шакли, уйғунлиги гармониядир. Гармонияга эга бўлмаган услуб чала ёки шаклланмаган услуб ҳисобланади. Шу ўринда энг муҳим бирлик – гармонияни ташкил этувчи моя нима, деган ҳақли савол туғилади. Бу саволга жавоб бермасдан туриб, бадиий услубнинг поэтик матндаги ўрни ва вазифасини белгилаш мумкин эмас. Келтирилган

---

[104] А р а с т у. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика.. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011, 20-бет.

иқтибос диққат билан таҳлил қилинса, ушбу салмоқли сўроққа берилган жавоб унда акс этгани аниқ кўринади. Иқтибоснинг аввалги жумласида Арасту гармония, яъни мукаммал, яхлит услубни юзага келтирувчи моянинг уч шакли, таъбир жоиз бўлса, учта даражасини келтириб ўтган. Зотан: **“Баъзи кишилар маҳорат, баъзилар малака сабабли, яна баъзилар туғма истеъдодлари туфайли бўёқлар ва шакллар ёрдамида кўп нарсаларнинг тасвирини – ўхшашини яратадилар”** (Таъкид бизники, – Д.Х.)**.** Мавжудликнинг ўхшашини дунёга келтириш, бошқача айтганда, бадиий акс эттириш, адабиётда унинг ягона материали сўз орқали амалга оширилар экан, сўзни истифода этишнинг даражаси маҳорат (кўп машқ қилиш), малака (узоқ вақт бир нарса билан шуғулланиш) ва истеъдодга боғлиқ, – дейди Арасту. Бундай фикр ўз-ўзидан бадиий асар услубида сўз санъати ижодкори, муаллифнинг ўрни ва шахсияти масаласига бориб боғланади. Истаймизми-йўқми, бундан қатъи назар, муаллифнинг даражаси бадиий асар, демакки, бадиий услуб даражасини белгилайди.

Демак, бадиий асар малака, маҳорат ва истеъдод орқали майдонга келади. Агар бир ижодкорда мана шу хусусиятларнинг ҳаммаси мужассам бўлса, бундай ҳолатни ижод жараёнидаги энг ноёб, энг олий ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин. Лекин адабий-тарихий жараён шуни кўрсатадики, бадиий асарни фақат олий даражадаги истеъдодларгина яратмайди. Бадиий асар устида қилинган узоқ ва машаққатли меҳнат, тинимсиз қайта ишлаш жараёнлари малака ва маҳоратни шакллантиради, ўзига хос услубни вужудга келтиради. Бошқаларнинг хаёлига ҳам келмаган бадиий кашфиётлар, эстетик қамровнинг тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада кенглиги, тасвирнинг фавқулодда ўзига хослиги, эстетик идеалнинг самовийилиги, образлар талқинидаги оригиналлик малака ва маҳорат билан бирга илоҳий истеъдоднинг мавжудлигидан далолат беради.

Шарқ мумтоз поэтикасида ҳам муаллиф шахсияти, бадиий асар услуби гармонияси энг яхши бадиий асар ёхуд истеъдоднинг шарти сифатида тушунтирилган. Араб алломаси Бишр ибн Муътамирнинг: “Агар тилинг равон, қаламинг ўткир, баёнинг етук, лафзинг лутфли, иқтидоринг тугал, фаҳм-фаросатинг нозик бўлса, хослар учун ёзганинг оммага ҳам тушунарли бўлса ва омма учун ёзганинг хослар учун ғализ қўпол кўринмаса, бунинг учун сўз ва ибораларда мўътадил, ўрта йўлни топа олсанг, **том маънода истеъдод соҳибидирсан**”[105] (таъкид бизники, – Д.Х.), – деган фикрлари шу жиҳатдан диққатни тортади. Китобнинг номланишиёқ “Синоъат-у-л-иншоъ”, яъни “ёзиш санъати” деган маънони билдиради. Юқоридаги парчада бадиий матнни юзага келтириш жараёнида нималарга риоя қилиш, қай тарзда ва қандай ёзиш, ёзишга бел боғлаган ижодкорнинг шахсий фазилатлари қандай бўлиши, баён этикаси, сўз танлаш кабиларнинг барчаси бир нуқтага, яъни истеъдодга келиб туташади. Бундай фикр бадиий асар тили ва услубининг ижодкор шахсияти билан чамбарчас боғлиқлигини яна бир бор таъкидлайди. Демак,

---

[105] Б и ш р и б н М у ъ т а м и р. Синоъат-у-л-иншоъ \\ Мумтоз шарк поэтикаси. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: ЎМЭ, 2008, 327-бет.

мукаммал бадиий асар фақат фикрнинг янгилиги билан эмас, тилнинг равонлиги, баённинг етуклиги (тушунарли, мантиқан изчиллиги, соддалиги ва равонлиги), ифоданинг нозиклиги (бадиий бўёқдорлик), ёзувчи фаҳм-идроки, табиатининг адибга хослиги билан белгиланади. Ҳақиқатдан ҳам, Шарқ поэтикаси талабига кўра сўз айтиш этикаси, айниқса, **“рост сўз”** бадиий ижоднинг энг муҳим шартларидан бўлган. Бунга амал қилмаган ижодкор чин ижодкор саналмаган.

Ижодкор шахсияти ва бадиий асар услуби муштараклиги масаласига Шарқ ва Ғарб поэтикасининг қадим даврлариданоқ жиддий эътибор қаратилган. Бадиий ижод гармониясини ташкил этувчи асос сифатида ижодкор шахси, дунёқараши ва табиати олинган. Бу борада икки қутб мутафаккирларининг қарашлари анчайин яқин бўлган.

Гегелнинг “Эстетикадан маърузалар” асарида сўз санъати ва ижод жараёни ҳақида фикр юритилар экан, тарихийлик ва замонавийлик, адабий турлар, халқ тили ва халқ ижодиётининг услуб билан бевосита боғлиқлиги таъкидланади. Шулар билан бир қаторда услубга хос “нафислик, равонлик ва таъсир самарадорлиги”га асосий эътибор қаратилади. Буни ёзувчи ғояси ва мақсадининг марказий ифода воситаси деб кўрсатилади[106]. Бу ўринда *нафислик* тушунчаси услубнинг бадиий воситалар (сўз товланишлари, тасвир воситалари, тил қоидаларига риоя қилиш) билан нақадар мустаҳкам алоқада бўлишини таъкидлаб келса, *равонлик* услуб шаклий компонентлари гармониясини, *таъсир самарадорлиги* эса мазмун ва ғоянинг юқори бўлишини, бир сўз билан айтганда, услуб семантикасини билдиради. Мана шу кичик кўчирма ҳам Гегелнинг бадиий асар бутунлигини таъминлашда Арасту қайд этган уйғунлик (гармония) асосий ўринда экани қайд этилади.

В.Г.Белинский ижодкор шахсияти ва бадиий асар услуби муносабати ҳақида шундай фикрларни баён этган: “Шундай кишилар борки, ҳақиқатдан ҳам улардаги заковатда ижодий ташаббускорлик бор. Улар ҳамма нарсага қандайдир бошқача, янгича қарайдилар, ҳамма нарсада ҳам уларсиз бошқа ҳеч ким кўра олмайдиган томонларни пайқаб оладилар, улардан кейин эса ана шу томонларни ҳамма кўради ва ҳамма ҳам илгари шуни пайқамаган эканмиз деб таажжубланади. Бу тоифа одамлар ҳеч бир муғомбир ва сирли одамлар эмас: уларнинг ҳаммалари оддий тушунадилар, бироқ уларнинг оддий тушунчалари дастлаб ҳаммага ҳам жуда сирли, баъзан эса телбалик ва бемаънилик бўлиб туюлади...”[107]. Рус адабиётшуносининг ушбу фикрлари бадиий асарнинг поэтик мақоми, жаҳон халқлари маънавий дунёсига қўшадиган ҳиссаси, кашфиёт сифатида жаҳон адабиётидан ўзига муносиб ўрин эгаллаши воситаси сифатида истеъдодга, ёзувчи шахсиятига боғлиқлигини яна бир бор қатъий тарзда таъкидлайди. Дарҳақиқат, истеъдод кишисидаги оригинал фикр ва фикрнинг бадиий ифода йўсинидаги ўзгачалик атрофдагиларни таажжубга солади. Улар ҳамма кўриши мумкин бўлган, аммо ҳеч ким илғай олмайдиган синоатларни кўрадилар. Наинки кўрадилар, балки ҳеч

---

[106] Г е г е л ь. Лекции по эстетики. Книга третья. – М., 1958. С. 201.

[107] Б е л и н с к и й В.Г. Рус адабиёти ҳақидаги ўй ва мулоҳазалар \\ Танланган асарлар. – Тошкент: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1955, 363-бт.

ким ифодалай олмаган тарзда бадиий ифодалайдилар. Бир сўз билан айтганда, янги асар, фақат ўзларига хос бўлган янги услубни дунёга келтирадилар.

Абдурауф Фитрат бадиий услуб ҳақида ўз назарий қарашларини баён этишда тарихий замон (давр), тарихий макон (миллийлик), шахс ва адабий шакл ўзгариши билан услубнинг ҳам турли кўринишлари намоён бўлишига алоҳида эътибор қаратади. Мустақил, ўзига хос услубнинг майдонга келишида истеъдод ва маҳоратнинг ўрнини таъкидлайди. Бу ҳақда: “Бутун ўзбек ёзғучиларининг ифодалари ўзбекча бўлғани ҳолда ҳар бирининг ўзига махсус бир *услуби* бордир. **Бироқ, услубдағи бу ҳол тубан, кучсиз адиб-ёзғучининг асарларида ўзини очиқ кўрсата олмайдир.** Кучсиз ёзғучиларнинг услублари бир-бирига ўхшаб қоладир. Улар оддий услубда, умумий тил услубида ёзадир. **Шоир-ёзғучи санъаткорликда кўтарила борған сайи(н) ўзига махсус бир услуб ярата бошлайдир**”[108] (Таъкидлар бизники, – Д.Х.), – деган фикрларни ёзади.

Абдурауф Фитрат томонидан қайд этилган услубга хос умумий талаблар бугунги бадиий матн учун ҳам юз фоиз тегишлидир. Айтиш мумкинки, Фитрат қўйган талаблар акс этмаган услубда бутунлик бўлмайди.

Рус адабиётшуноси В.Жирмунскийнинг фикрига кўра: “Бадиий асар услуби фақат унинг тилига оид ҳодиса эмас, балки тасвир воситалари, бадиий сўз орқали ифодаланган бадиий асарнинг мавзу кўлами, образлар тизими, композицион қурилиши каби унсурларига ҳам тааллуқлидир”[109]. Олим фикрларидан келиб чиқадиган хулоса шуки, услуб бадиий асар мавзуси, образлари ва композицияси таркибини ташкил этувчи структурал ҳодиса бўлиши билан бир қаторда, мана шу саналган компонентларни уйғунлаштириб турувчи асосий бирлик ҳамдир. М.Б.Храпченко таъкидлаганидек: “Услуб – ижодкор ҳаётни чуқур ўзлаштириши орқали тўплаган нозик ва қизиқарли кузатишларини синтезлаб, ифодалаб беришдир. Унинг мукаммаллиги ва қанчалик кўламга эгалиги ижодкорнинг борлиқни англашдаги идрокига ва ифода услубига боғлиқ”[110]

Буларнинг барчасини умумлаштирувчи, мужассам тарзда ифодаловчи учта энг муҳим элемент бор: 1) барча адабий оқим ва йўналишларни, барча тур ва жанрларни қамраб олувчи муаллиф шахсияти, 2) муаллиф дунёқарашининг маҳсули бўлган яхлит бадиий асар, 3) бадиий сўзнинг асоси бўлган услуб.

**РЕЗЮМЕ.** Мақола бадиий услубнинг назарий асослари таҳлилига бағишланган.

---

[108] Ф и т р а т А. Услубнинг умумий ва хусусий ҳоллари \\ Танланган асарлар. 4-жилд,– Тошкент: Маънавият, 2006, 17-бет.

[109] Ж и р м у н с к и й В. Стихотворение Гёте и Байрона: Ты знаеш край? – М.: МГУ. 1961. С.29.

[110] Х р а п ч е н к о М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – М.: Советский писатель. 1975. С. 9.

**РЕЗЮМЕ.** Статья посвящена анализу теоретически основ художественного стиля.

**RESUME.** The article is devoted to the analysis of the theoretical foundations of literary style.

**Таянч сўз ва иборалар:** бадиий услуб, тур, жанр, адабий оқим, асар, муаллиф.

**Ключевые слова и выражения:** художественный стиль, вид, жанр, литературное течение, произведение, автор.

**Key words and word expressions::** literary style, type, genre, literary flow, work, author.

**Саъдулла МАТЯКУПОВ**

## ШЕЪРИЯТДА ДИАЛОГ ВА УНИНГ ТАЛҚИНИГА ДОИР

Бугунги кунда адабиёт, хусусан, шеъриятда ижодкорларнинг инсонни тушуниш ва тушунтиришида турли хил тасвир ва усуллардан самарали фойдаланмоқда. Бу борада шеъриятда диалоглар қўллаш ҳамда у орқали олам ва одам, яъни инсон-табиат-жамият мулоқотлари турли хил шаклларда талқин этилмоқда. Ҳ.Умуров таъкидлаганидек: «Бадиий диалог ҳолатни, ўй-хаёлни талқин қилмоғи – унинг очиқ мазмунидан яширин моҳияти сари боришга китобхонни «мажбур» қилиши – бош талаб»[111] экан, унда қаҳрамон характери, руҳияти ҳамда манфаат-эҳтиёжларини ихчам тарзда ифодалаш имконияти ортади. Нутқ шакли тасвир ва таҳлил ҳамда талқин маданиятини бирлаштиради.

Серқирра ижодкор Улуғбек Ҳамдамнинг “Эски дунё ва янги мен” сайланмасидаги шеърларни ўқиб, юқоридаги фикрларнинг амалий тасдиғини кузатамиз. Унда шоирнинг табиат ва жамият, олам ва одам муносабатларини диалогик шаклда бадиий талқин қилиш орқали ўзини ўйлантирган дард ва нолалари бадиий ифода қилинади. Жумладан, “Шундай яшасам” деб номланган шеърда қуйидаги сатрларни кўрамиз:

*Дунёга келганда йўқ эди душман,*
*Дедим: ҳама одам ҳабибдир менга.*
*Умримнинг ярмида теграмга боқсам,*
*Дўст деган қолмамиш, ғаним сон мингта...*

*Оллоҳим берсаю шундай яшасам,*
*Барчаси тескари айланиб қолса:*
*Мўйсафид чоғимда назар ташласам,*
*Душман ҳеч кўрмасам, ҳамма дўст бўлса...*[112]

Монологик талқин ҳосиласи сифатида вужудга келган мазкур шеърда ўз-ўзига нисбатан тафтиш, тавсиф, таҳлил ва муҳокама акс

---

[111] Умуров Ҳ. Бадиий асар назарияси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2002, 66-бет.

[112] Ҳамдам У. Эски дунё ва янги мен. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018, 210-бет (Кейинги мисоллар ҳам шу китобдан олиниб, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади).

## МУНДАРИЖА

### Тилшунослик


Н.Маҳмудов. Тил: илм, таълим ва тарғиб........................................................3
Ё.Одилов. Тил ва жамият таъсирлашуви..........................................................10
А.Мамажонов. Бинар қўшма гаплар ва уларнинг функционал-семантик хусусиятлари..........................................................................................................17
Р.Давлатова. Ўзбек тилида ижтимоий ҳолат дейксиси ва унинг олмошлар орқали ифодаланиши.....................................................................................21


### Адабиётшунослик


Д.Куронов. Чўлпон шеъриятида тиниш белгилари ..........................................26
Н.Жабборов. Алишер Навоий асарларида футувват ғоясининг бадиий талқини.............................................................................................................33
А.Улуғов. Мақолларнинг бадиий-эстетик вазифасига доир..............................39
Э. Очилов. Муқимий ижодида Навоий анъаналари.........................................45
Б.Ражабова. Темурийлар Ренессанси атамаси ҳақида......................................49
О.Қаюмов. Ўзбек маросим фольклорида шомон инициацияси удуми таҳлилига доир..................................................................................................54


### Илмий ахборот


Г.Эрназарова. Ойбек шеъриятига хос медитатив хусусиятлар.........................60
Қ.Йўлчиев. Лирик шеърда бадиий макон муаммоси........................................63
Д.Холдоров. Бадиий услубнинг назарий асослари ..........................................67
С.Матякупов. Шеъриятда диалог ва унинг талқинига доир.............................71
Н.Чўлиева. Бадиий асарда сюжет ва хронотоп.................................................74
Л.Ўсарова. Абдулла Орипов шеъриятида она образи.......................................80
З.Амонова. Навоий ижодида Насимий оҳанглари............................................85
Н.Қодирова. Баҳс-мунозара жанрида муаллиф услуби.....................................88
Ғ.Бобожонов. “Ҳайрат ул-аброр”да “балоғат илми” истилоҳлари....................92
О.Абобакирова. Анвар Обиджон ҳикояларида миллий руҳият тасвири............95
Р.Саидова. Бадиий матнда бинар оппозиция....................................................98
Д.Жумаева. “Юсуф ва Зулайхо” достонларининг асосий образлари..............101
Ш.Раҳмонова. Замонавий шеъриятда ғазалнавислик анъаналари..................105
М.Ҳожиева. Татаббуда анъана ва издошлик....................................................109
Д.Зарипова. “Қутадғу билиг”да ҳукмдорларга оид қарашлар талқини............111
У.Ибрагимова. Ҳофиз Хоразмий ижодида ташбеҳ санъати............................113
З.Исақов. Юклама ва аффикслар муносабати..................................................114
З.Ўрунова. Дефектологик терминлар ривожига доир......................................117
А.Ботирова. Оламнинг лисоний тасвири ва сўзларнинг функционал ихтисослашуви................................................................................................121
Д.Юлдашев. “Қисаси Рабғузий”да антропоцентирик талқин илдизлари........124
А.Уралов. Тарихий жараёнлар билан боғлиқ кенгайган шакллар ҳақида.......127
Ш.Шамсиева. Эвфемизмларнинг лингвистик табиати....................................131
Ҳ.Аҳмедова. “Маҳбуб ул-қулуб”да Навоийнинг нутк маданиятига оид қарашлари.......................................................................................................134


### Фанимиз заҳматкашлари


Т.Рўзибоев. Олим умрининг зийнатлари..........................................................138
Б.Файзуллаев, М.Суюнов. Ваҳоб Раҳмонов......................................................142
Ҳ.Ҳомидий. Номдор мунаққид.........................................................................145